

ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ПРОФИЛАКТИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Юсупов Ойбек Луқмон ўғли

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ масъул ходими,
мустақил тадқиқотчи**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21870170>

Жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш ҳуқуқий назорат, ижтимоий мослаштириш, бандлик, психологик қўллаб-қувватлаш ва бошқа профилактик чораларни ўзаро уйғун ҳолда амалга оширишни талаб этади. Шу боис мазкур соҳада пробация хизмати, ички ишлар органлари, маҳалла, ижтимоий ҳимоя ва бандлик органлари ҳамда бошқа субъектлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш, уларнинг вазифаларини аниқ белгилаш ва фаолиятини ягона мақсад асосида мувофиқлаштириш такрорий жиноятчилик профилактикасининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш самарадорлиги, биринчи навбатда, мазкур йўналишда фаолият юритувчи профилактика субъектларининг ўзаро мувофиқлашган ва узвий ҳамкорлигига боғлиқ. Чунки постпенитенциар профилактика табиатига кўра бирор давлат органининг ваколати доирасида ҳал қилинадиган вазифа эмас, балки ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, иқтисодий ва ташкилий таъсир чораларининг ўзаро уйғунлигини талаб этувчи комплекс жараёндир¹. Криминологияда ҳам такроран жиноятчиликка қарши курашишнинг самарадорлиги алоҳида профилактика чораларининг кўплиги билан эмас, балки уларни амалга оширувчи субъектлар фаолиятининг мувофиқлаштирилганлиги даражаси билан баҳоланиши² таъкидланади.

Бу борада Н.В. Мирошниченко, Л.В. Рябова, О.Н. Савченко ва Т.Д. Аветикованинг қайд этишича, рецидив жиноятчиликка қарши самарали курашиш ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, ташкилий ва бошқа профилактик чораларни ягона тизимга бирлаштиришни талаб этади. Давлат органлари ва жамоат институтлари фаолияти ўзаро мувофиқлаштирилмаган шароитда ҳар бир субъект алоҳида вазифани бажариши мумкин, бироқ бундай ҳолатда умумий профилактик натижага эришиш қийинлашади³.

Мазкур илмий ёндашув миллий қонунчилик таҳлилида ҳам ўз тасдиғини топади. Бугунги кунда жазодан озод қилинган шахсларни қайта ижтимоийлаштириш жараёнида Пробация хизмати, ички ишлар органлари, жазони ижро этиш муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик органлари, Миллий ижтимоий ҳимоя агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, маҳаллий давлат

¹ Смирнов Л.В. Международный опыт превенции рецидива правоохранительными структурами // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2023. №1 (97). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnyy-opyt-preventsii-retsitiva-pravoohranitelnyimi-strukturami> (мур. вақти: 15.07.2025).

² Исмаилов И., Абдурасулова Қ.Р., Фазилов И.Ю. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б 101.

³ Мирошниченко Н.В., Рябова Л.В., Савченко О.Н., Аветикова Т.Д. Общая характеристика мер, направленных на предупреждение рецидивной преступности // Юридическая наука. 2025. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obschaya-harakteristika-mer-napravlennoy-na-preduprezhdenie-retsedivnoy-prestupnosti> (мур. вақти: 15.07.2025).

ҳокимияти органлари ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари иштирок этади. Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги Қонун⁴и мазкур субъектларнинг алоҳида ваколатларини белгилаган бўлса-да, уларнинг фаолиятини ягона марказдан мувофиқлаштирувчи координатор ёки ҳар бир шахс бўйича шахсий масъул кейс-менежер (Case Manager) институтини назарда тутмайди. Натижада бир шахс билан бир вақтнинг ўзида бир нечта идора ишлашига қарамасдан, унинг ижтимоий мослашуви ёки такроран жиноят содир этмаслиги учун якуний натижа юзасидан шахсий жавобгарликни ўз зиммасига оладиган субъект мавжуд эмас.

Ушбу муаммо айрим тадқиқотларда ҳам алоҳида қайд этилган. Хусусан, пробация институтининг идоралараро ҳамкорлик моделига бағишланган тадқиқотларда постпенитенциар пробациянинг самарадорлиги барча субъектлар иштирокида ишлаб чиқиладиган ягона индивидуал реабилитация дастури ҳамда унинг ижросини мувофиқлаштирувчи масъул субъект фаолиятига бевосита боғлиқ эканлиги, пробациянинг полисубъектли хусусияти унинг кучли жиҳати ҳисобланади, аммо бу тизим қатъий мувофиқлаштириш механизми бўлмаган тақдирда бошқарувда парокандаликни келтириб чиқариши⁵ таъкидланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалда айрим давлат органлари ўртасида ваколатларнинг такрорланиши ҳам кузатилади. Масалан, ижтимоий мослаштириш, психологик қўллаб-қувватлаш, ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва ижтимоий хизматларга йўналтириш билан бир вақтнинг ўзида пробация хизмати ҳам, маҳалла ҳам, ижтимоий ҳимоя органлари ҳам шуғулланади. Бироқ мазкур вазифаларни бажаришнинг аниқ алгоритми, бажарилмаган ҳолатда масъуллик чоралари ҳамда натижаларни баҳолаш мезонлари ҳуқуқий жиҳатдан етарлича тартибга солинмаган. Бу эса ўз навбатида профилактика жараёнида вазифаларнинг такрорланишига, айрим ҳолларда эса аксинча, муҳим вазифаларнинг умуман бажарилмай қолишига олиб келади.

Бу борада Д.З. Дондокова ҳам рецидив профилактикасининг асосий муаммоларидан бири давлат органлари томонидан амалга ошириладиган чоратадбирларнинг тизимсизлиги ва тарқоқлиги, ижтимоий мослаштириш, реабилитация, маъмурий назорат ва ижтимоий ёрдам чоралари ўзаро ягона механизмга бирлаштирилмаганлиги профилактиканинг самарадорлигини пасайтиришини⁶ қайд этиб ўтади.

Мазкур назарий хулосаларни тадқиқот доирасида ўтказилган социологик сўров натижалари ҳам тасдиқлайди. Хусусан, респондентларнинг 92 фоизи жазодан озод қилинган шахслар билан ишлашда давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш зарурлигини, 89 фоизи эса ҳар бир шахс бўйича ягона масъул координатор ёки кейс-менежер институтини жорий этиш профилактика самарадорлигини оширишини қайд этган. Шунингдек, 90 фоиздан ортиқ иштирокчилар

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 07.08.2024 йилдаги ЎРҚ-938-сон. URL: <https://www.lex.uz/uz/docs/7050441>.

⁵ *Геращенко О.М., Капралова Н.Н.* Институт пробации в Российской Федерации в контексте межведомственного взаимодействия // Ведомости УИС. 2025. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/institut-probatsii-v-rossiyskoy-federatsii-v-kontekste-mezhvedomstvennogo-vzaimodeystviya> (мўр. вақти: 15.07.2025).

⁶ *Дондокова Д.З.* Проблемы профилактики и предупреждения рецидива преступлений // StudNet. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-profilaktiki-i-preduprezhdeniya-retsidiva-prestupleniy> (мўр. вақти: 15.07.2025).

идоралараро маълумот алмашишнинг ягона электрон механизми мавжуд эмаслиги профилактика ишларидаги энг катта ташкилий муаммолардан бири эканлигини билдирган⁷.

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, жазодан озод қилинган шахслар билан ишлашдаги асосий муаммо профилактика субъектларининг кўплиги эмас, балки уларнинг фаолиятини ягона мақсадга йўналтирувчи институционал мувофиқлаштириш механизмининг етарли эмаслиги ҳисобланади. Шу боис ҳам, мазкур соҳада профилактиканинг самарадорлигини ошириш учун ҳар бир жазодан озод қилинган шахс бўйича индивидуал “кейс-менежер” (Case Manager) институтини жорий этиш, унинг ваколатларини қонун даражасида мустаҳкамлаш ҳамда барча профилактика субъектларининг фаолиятини ягона электрон платформа орқали мувофиқлаштириш зарур. Айнан шу ёндашув давлат органлари фаолиятида такрорланишларни бартараф этади, масъулиятни аниқ тақсимлайди ва энг муҳими, профилактика натижаси учун шахсий жавобгарлик механизмини шакллантиришга хизмат қилади.



⁷ Тадқиқот давомида ўтказилган социологик сўров натижалари таҳлили. 1-Илова.